

" 19 " январь 2011 у. № БА/03-04-04/34

" " " 20 " у. №

Қорақалпоғистон Республикаси молия
вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
молия бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик
бошқармаларига

Ўсухаси: Соғлиқни сақлаш вазирлигига

Молия вазирлиги "Ғазначилик-4" дастурий мажмуидан фойдаланиш жараёнида молия органларида ва ғазначилик бўлинмаларида юзага келаётган айрим саволларга изоҳ тарикасида Молия вазирлигининг 2010 йил 24 декабрдаги БА/31-01/1-34-13/709-сонли хатига қўшимча тарзда қуйидагиларни маълум қилади.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон "Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ турғун **даволаш-профилактика муассасаларида** даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундирилган тўловлар Бюджет таснифининг маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи бўйича **янги киритилган 4 013 – "Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундирилган тўловлар"** кодиши ҳамда харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифнинг **7 950 100 – "Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари"** кичик бўлими кодларини қўллаган ҳолда тегишли шахсий ҳисобварақлар очилади.


Ушбу маблағларни шаклланиши ва сарфланиши даволаш-профилактика муассасалари томонидан юқоридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ амалга оширилади, яъни фақатгина озик-овқат харажатлари учун ишлатилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мазкур маблағлар бўйича харажатларни ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширишда харажатлар сметаси ва уни "Ғазначилик-4" дастурий мажмуига киритилиши талаб килинмайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармасига

келиб тушган маблағлар, жумладан, пуши даволаш ва хизматлар кўрсатиш қийматига (ташархига) кирувчи овқатлантириш харажатлари учун тушган маблағлар Бюджет таснифининг маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи бўйича **4 003 – “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси”** кодини ҳамда харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифнинг 7 950 100 – “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари” кичик бўлими кодларини кўйлаган ҳолда тегишли шахсий ҳисобварақлар очилади.

3. Агарда юқоридаги маблағлар учун мазкур хатда келтирилган тартибдан бошқача ҳолда (масалан, 4 999 коди билан) шахсий ҳисобварақлар очилган бўлса, ушбу шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқларнинг тегишли қисми юқоридаги 4003 ёки 4013 манба коди билан очилган шахсий ҳисобварақларга ўтказилиши лозим.

**Ҳазначилик бошлиғи –
вазир ўринбосари**

 **Б. Ашрафхонов**